



МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ ТАБРИК СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар! Хурматли меҳмонлар!
Бугун — барча шаҳар ва қишлоқларимизда, бутун мамлакатимизда муборак айём, унутилмас тарихий сана — Ўзбекистонимиз мустақилликка эришганининг йигирма йиллик буюк байрами.

Бундан йигирма йил муқаддам биз юртимизда мустақилликка эришганининг йигирма йиллик буюк байрами. Бундан йигирма йил муқаддам биз юртимизда мустақилликка эришганининг йигирма йиллик буюк байрами.

Биз учун энг буюк ва энг азиз бўлган ана шу кутлуг байрам билан сиз азизларни, сизлар орқали бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаб, юксак ҳурмат ва эҳтиромимизни билдиришдан чексиз бахтиёрман.

Ўзининг неча минг йиллик кўхна тарихида не-не воқеаларни бошидан кечирган халқимиз учун Ўзбекистон мустақиллиги, ҳаётимизни, онгу шууримизни тубдан ўзгартирган бу улуг сана кўп йиллар, замонлар ўтса-да, ўз аҳамияти, кадр-қиммати ва моҳиятини йўқотмайдиган, том маънода оламшумул воқеа бўлиб абадий сақланиб қолажак.

Мухтарам дўстлар!
Биз ўтган давр мобайнида мустақилликка эришимиз, эркин нафас олиб, ўз тақдирини ва келажagini ўз қўли билан куриш жаҳондаги биронта халқ, биронта мамлакат учун ҳеч қачон, ҳеч қаерда осон бўлмаган, деган аччиқ ҳақиқатни ўз ҳаётимиздан ўтказдик, ўз мисолимизда чуқур англадик.

Дарҳақиқат, бугун вақт ўтиши билан юртимизда ўзини оқламаган, эски мустабид тузум асоратлари ва занжирларидан озод бўлиш нақадар оғир келганини, истиқлол арафасида республикамиздаги вазиёт тобора кескинлашиб, таҳликали ва ўта хавфли тус олганини яна ва яна бир бор ўзимизга тасаввур қилишимиз ўринли бўлади.

Бирёқлама ривожланган, фақат хомаш ётказиб беришга, мутлақ пахта яккахокимлигига асосланган иқтисодийимизнинг гоят ночор аҳволга тушиб қолгани, қашшоқлик ва бедодликка дучор бўлган аҳолимизнинг сабр-қосиси тўлиб, ўлкамиз жер ёқасига, портлаб кетиш ҳолатига етиб борганини, одамларимизнинг таъминоти, жамиятда соғлом муҳитни қарор топтириш муаммолари нақадар ўткир бўлиб турганини эслайдиган бўлсак, айна шу йиллардаги мавжуд вазиёт бутун мураккаблиги билан аён бўлади.

Бугун бир ҳақиқатни сира иккиланмасдан, баланд овоз билан айтиш учун барча асосларимиз бор: истиқлол йўлида қандай суронли кунларни, қийинчилик ва тўсиқларни енгисига тўғри келмасин, юртимизга нисбатан қандай хуруж, зуғум ва пўписалар бўлмасин, биз энг оғир ва машаққатли дамларда ҳам мустақиллик гоёсига содиқ қолиб, Ўзбекистон манфаатини ҳамма нарсадан устун қўйиб, ўз танлаган йўлимиздан қайтмадик ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз.

Биз юртимизда янги ҳаёт барпо этишининг биринчи кунларидан бошлаб ҳақиқий эркинлик ва истиқлолга эришимиз — бу фақат мустақилликни қўлга киритиш эмас, балки уни ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан куриш ва мустаҳкамлаш, халқаро ҳамжамиятда ўзимизга муносиб ўрин эгаллаш ва ҳурмат қозонишдан иборат эканини теран англаб олдик.

Ана шундай эзгу мақсадларга эришимиз йўли эса барчамизга яхши маълум: бу — ўзимизнинг ер ости ва ер усти бойликларимиздан, ишлаб чиқариш ва интеллектуал салоҳиятимиз, куч-қуд-

ратимиздан фойдаланиб, кўпни кўрган, меҳнаткаш халқимизнинг ақл-заковати, ғайрат-шижоати ва халқаро ҳамжамият ҳамкорлигига таяниб, дунёдаги замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш йўлидир.

Аҳолимизнинг ҳаёт сифати ва даражасини янги, юксак босқичга кўтариш, шу мақсадда мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларини демократик янгилаш, либераллаштириш ва модернизация қилиш, ушбу жараёнларнинг суръатини имкон даражасида тезлаштириш — биз учун энг мақбул йўлдир.

Айна шу йўл йигирма йиллик янги тарихимиз давомида ҳар томонлама ўзини оқлаб, исботлаб берган, жаҳонда "Ўзбек модели" деб ном олган энг тўғри йўл, десам, мана шу мухташам майдонда ўтирган сиз азизларнинг, кенг жамоатчилигимиз, бутун халқимизнинг фикрини ифода этган бўламан.

Ўтган давр мобайнида биз эришган юксак марралар ҳақида узоқ гапириш, қўлаб рақамларни олиб келиш мумкин. Шулар қаторида Ўзбекистон иқтисодиёти йигирма йил мобайнида қарийб 3,4 баробар, ўртача иш ҳақи 14 баробар ўсгани, аҳолининг ялпи даромади тахминан 9 марта ошгани бизнинг мустақиллик йилларида қандай улкан марраларни қўлга киритганимизни намоян этмоқда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳали-бери давом этаётганига қарамасдан, Ўзбекистонимизнинг ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатлари охириги беш йил давомида дунёдаги санокли давлатлар қаторида ўртача 8,5 фоизни ташкил этгани ва бу йил ҳам ундан кам бўлмаслиги қутилаётгани иқтисодиётимизнинг изчил ва барқарор ривожланиб, тараққий топаётганининг яққол далилидир.

Истиқлол йилларида ижтимоий соҳа учун давлат ҳаражатлари 5 баробардан зиёд кўпайгани, унинг 60 фоиздан кўпроги соғлиқни сақлаш, таълим, коммунал хўжалик, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва бошқа соҳаларга йўналтирилгани ҳам дунё миқёсида камдан-кам учрайдиган кўрсаткич бўлиб, бизнинг бош мақсадимиз аввало-амбор инсон ҳаётини, унинг манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилганини ҳар томонлама исботлаб беради.

Айнан шу асосда йигирма йил давомида юртимизда бир ёшгача бўлган гўдақлар ва оналар ўлими 3 баробардан кўпроқ камайгани, одамларимизнинг ўртача умр кўриш даражаси 7 йилга ўзайиб, эркалар ўртасида 73 ёшга, аёллар ўртасида эса 75 ёшга етгани, бугунги кунда аҳолимиз сони 28,5 миллион кишини ташкил қилаётгани, ҳеч шубҳасиз, буни яна бир бор тасдиқлаб беради.

Азиз дўстларим, биродарларим!
Биз қўлга киритган бу юксак марраларнинг илдизи, замини нимада, деган саволга ҳар биримиз ҳеч иккиланмасдан, буларни барчасининг замирида аввало мустақиллик деб аталган бебаҳо неъмат, халқимизнинг фидокорона меҳнати, унинг тобора юксалиб бораётган онгу тафаккури, эртанги кунга бўлган ишончи, эзгу орзунтилишлари мўжассам, деб катта гурур ва ифтихор билан айтишимиз табиийдир.

Бугун мана шу саховатли заминда "Ўзбекистон — ягона уйимиз" деб яшаётган, қайси касб эгаси, қайси миллат ва элат вакили бўлмасин, барча юртдошларимиз Ватанимиз қўлга киритган ютуқлар, эришган марралардан менинг ҳам муносиб меҳнатим, муносиб ҳиссам бор, деб бошини баланд кўтариб, мағрурланиб гапиришга тўла ҳақлидир, десак, айна ҳақиқатни айтган бўлаемиз.

Мана шу юксак минбардан туриб, бизга до-

имо хайрихоҳ бўлиб, қўлаб-қувватлаб, ёрдам ва кўмак бериб келаётган дўсту биродарларимизга, юртимиз билан самарали ҳамкорлик қилаётган мамлакатлар ва халқларга миннатдорлик билдириб, қизгин саломларимизни йўллашга, уларга бахт ва равнақ тилашга руҳсат бергайсиз.

Фурсатдан фойдаланиб, шу муаззам майдонда жам бўлган хорижий давлатларнинг элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари, барча азиз меҳмонларимизга, бизнинг бугунги байрамимиз — сизларнинг ҳам байрамимиздир, деб, уларни чин юракдан қутлаб, самимий ҳурмат ва эҳтиромимизни изҳор этсак, айна мудоа бўлади.

Қадрли юртдошлар!
Истиқлол бизга берган бебаҳо бойлик ва имкониятлар, эришган натижаларимиз ҳақида кўп сўз юритиш мумкин. Айна вақтда мустақиллик тарихига асло ўчмайдиган, ёрқин саҳифа бўлиб ёзилган улкан марраларимиз қаторида шундай буюк бир ютуғимиз борки, унинг аҳамиятини ҳеч нарса билан ўлчаб, баҳолаб бўлмайди.

Мен буни замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, мустақил фикрлайдиган, ҳаётимизда тобора хал қилувчи кучга айлиниб бораётган соғлом ва баркамол авлодимиз тимсолида кўраман.

Бугун мана шу кенг майдонни тўлдириб, ўзининг навқирон азаму шижоатини намоян этиб ўтирган, менинг фарзандларим бўлган сиз ўғил-қизларимга, сизлар орқали бутун юртимиз ёшларига қарата айтмоқчиман:

Азиз болаларим, Оллоҳнинг назари тушган, Ўзбекистон деб аталмиш гўзал ва бетакрор ўлкада туғилиш, унинг бағрида камол топиш ҳар қимга ҳам насиб этмайди. Ана шу ҳақиқат ҳар бирингизнинг қалбингиздан, юрагингиздан чуқур жой олишини истардим. Ватан севгиси, Ватанга садоқат туйғуси сизларга умрбод ёр бўлсин.

Не-не оғир синовлар, тўфон ва суронларни босдан кечириб, қанча-қанча қўрбонлар бериб, она юртимизни омон сақлаган, бизга безавол етказган аждодларимиз, ота-боболаримизнинг бу йўлда қандай катта меҳнатлари синганини ҳеч қачон унутмаслик, уларнинг хотираси ва ҳурмати-ни жойига қўйиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Мана шундай ҳиссиётларни қалбдан ўтказиб, барчамиз учун яққола ягона бўлган Ватанимизни янада гуллатиб-яшатиш, унинг ёруғ ва фаровон келажиги учун бутун борлигимизни бағишлаб, керак бўлса, жонимизни фидо этишга ҳам тайёр бўлиш — ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир, десам, ўйлайманки, сиз азиз фарзандларимнинг дилида бўлган олижаноб туйғуларни ифода этган бўламан.

Азиз дўстларим, қадрли ватандошларим!
Бугунги улуг айёмнинг муборак Рамазон ҳайити билан айнан бир пайтга тўғри келгани ҳам Яратганимизнинг эл-юртимизга кўрсатган яна бир инояти ва марҳамати, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Барчангизни бағримга босиб, Мустақиллик байрами билан, Рамазон ҳайити билан чин қалбимдан муборакбод этиб, ҳаммангизга сихат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Буюк ва муқаддас Ватанимиз мангу бор бўлсин! Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, халқимиз омон бўлсин!
Мустақиллигимиз абадий бўлсин!

ФИДОЙИЛАР ХОТИРАСИГА ЭҶТИРОМ

Шонли йигирма йиллигини нишонлаётганимиз Мустақилликнинг ҳар бир йили, ҳар бир куни халқимиз учун нақадар азиз ва мўътабар экани бугун шу муқаддас Ватанда яшаётган ҳар бир инсон ҳаётида ўз ифодасини топтоқда.

Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан эл-юртимиз озодлиги йўлида қўрбон бўлганларнинг номлари тикланди, хотираси абадийлаштирилди. Пойтахтимизда "Шаҳидлар хотираси" ёдгорлик мажмуи бунёд этилгани, 31 август юртимизда Катагон қўрбонларини ёд этиш куни сифатида нишонла-ниши халқимизнинг ана шундай асл фарзандлари хотирасига кўрсатилётган чуқур эҳтиром ифодасидир.

Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида "Шаҳидлар хотираси" ҳиббони зиёратчилар билан янада гавжумлашади. Бу ерга ташриф буюрган киши тарихий хотира туйғусини, эзулик ва адолатнинг боқийлигини, хуррият ва озодлик неъматининг қадрини янада чуқур ҳис этиди. Бугунги тинч ва осойишта куларга, инсон кадр-қиммати улуғланадиган буюк ва муқаддас юртда яшаётганига шукроналар келтиради. Ватандошларимиз хотирасини ёдга олиш руҳимизни поклайди, ўтмишдан сабоқ чиқариб, бугунги ёруғ кунларимизнинг қадрига етиб яшашига, мустақиллигимизни мустаҳкамлашдек шарафли масъулиятни англашга ундайди.

31 август. Тонг. "Шаҳидлар хотираси" ҳиббониди халқимизнинг озодлиги ва мустақиллиги йўлида қўрбон бўлганларни ёд этиш маросими ўтказилди. Аҳнамага кўра ош тортилди. Қурьон тиловат қилиниб, катагон қўрбонлари руҳига ҳурмат баҳо келтирилди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди.

Тарихий хотирасиз келажак йўқ, Бунинг нақадар асосли ва теран маъно-мазмунга эга экани Ватанимиз истиқлолининг йигирма йиллиги нишонланаётган шу кунларда яна бир бор ўз ифодасини топтоқда.

Биз мустақиллик, тинчлик-осойишталик каби неъматларнинг нақадар улуг ва қадрли эканини аввало ана шу йўлда курашган, керак бўлса жонини фидо қилган инсонлар тимсолида, уларнинг мурақаб ҳаёт йўлида кўраемиз, деди Президентимиз Ислам Каримов. Маълумки, мустабид тузумдаги мудҳиш қатагонлар, аввало, миллатимизнинг энг сара фарзандлари — зиёлилар, маънавият, маърифат вакиллари бўлган инсонларнинг умрига зомин бўлди. Уларнинг кадр-қиммати топталди, ҳаёти поймол этилди.

Мамлакатимиз ўзининг мустақил тараққиёт йўлидан борар экан, тарихий адолат қарор топди. Халқимизнинг миллий ва маънавий дунёсини юксалтириш ана шу тарихий ҳақиқат, аждодларимизнинг кўрсатган жасорати ва матонат, фидойилиги тимсолида амалга оширилаётгани алоҳида аҳамият касб этади. Бу бугунги фаровон ҳаётимиз, хотиржам ўтказётган кунларимиз, юртимиздаги тотувлик ва бирдамликни асраб-авайлаш, қадрига етишда фарзандларимиз учун катта ибрат мактабидир.

Ёшлар ўз юртини севиши учун аввало ота-боболарининг жасоратини, ҳозирги ёруғ кунларда қандай машаққат ва қийинчиликлар эвазига эришилганини теран англаш, шунга муносиб бўлиши лозим, деди Президентимиз.

Биз истиқлолнинг дастлабки кунлариданок демократик давлат ва фуқаролик жамияти куриш, халқимиз асрлар давомида орзиқиб кутган озод, эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Йигирма йиллик тараққиёт йўлимизга назар солсак, олдимизга қўйган ана шу олий мақсадларга эришимиз, том маънода буюк давлат барпо этиш йўлида қандай улкан қадамлар қўйилганини кўриш, сезиш қийин эмас.

Тошкент — Самарқанд йўналиши бўйича катнай бошлаган тезкор поезд истиқлолимизнинг йигирма йиллиги нишонланаётган кунларда халқимизга муносиб туҳфа бўлди. Бир пайтлар бундай замонавий, соатиға 250 километр тезликда ҳаракатланадиган поездларнинг заминимизда юриши, ундан халқимиз фойдаланишини кўпчилик тасаввурига ҳам сиздирилмасди.

Тарихан қиска даврда биз ана шундай бетимсол ютуқларга эришмоқдамиз, деди давлатимиз раҳбари. Бугун бундай поезд дунёнинг бор-йўғи сакизтагина давлатида бор. Истиқлол ту-

файли Ўзбекистон ҳам ана шундай жуда кам сонли илғор мамлакатлар сафидан жой олди. Бу нафақат темирйўлиларимизнинг, балки бутун халқимизнинг ютуғидир.

Куни кеча ишга туширилган автомобиль двигателлари ишлаб чиқарадиган "General Motors Powertrain Uzbekistan" қўшма корхонасини олайлик. Бу улкан ва замонавий заводда ўзимизнинг ёшларимиз меҳнат қиляпти. Улар энг замонавий технологияларни бошқармоқда. Бу корхонадан чиққан маҳсулотлар дунёнинг улнал давлатларига экспорт қилинади. Бундан фахрланмай, гурурланмай бўладими, деди Президентимиз.

Ўзбекистон МДХ давлатлари орасида биринчи бўлиб мана шундай мураккаб технологияли ишлаб чиқариш корхонасини бунёд этди. Бир пайтлар Ўзбекистоннинг автомобиль ишлаб чиқара олишига ишонсизлик билан қараганларнинг истеҳсоси асосси эканини ҳаёт исботлади. Булар халқимиз улкан бунёдкорлик салоҳиятининг самараларидир.

Қўлга киритаётган ютуқларимиз кўпайгани сари халқимизнинг фаровонлиги, турмуш маданияти ва салоҳияти ҳам юксалиб бораверади. Юксак маданият ва салоҳиятга эга халқ эса янги-янги марраларни қўлга киритаверади, деб таъкидлади Ислам Каримов. Ўтган йигирма йил мобайнида халқимизнинг онгу тафаккури бутунлай ўзгарди. Бугун халқимиз замонавий, юксак даражадаги шарт-шароитда ҳаёт кечирмоқда ўрганди. Буларнинг барчаси истиқлол йилларида олдимизга қўйган, биз ҳеч қимдан кам бўлмаганмиз, кам эмасмиз, кам бўлмаймиз ҳам, деган ҳаётий мақсаднинг амалдаги ифодасидир.

Мустақил Ўзбекистонимизни дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари қаторига олиб чиқиш, халқимиз учун бундан ҳам юксак даражадаги шарт-шароитларни яратиш бизнинг эзгу мақсадимиздир, деди Президентимиз.

Ўзини шу муқаддас Ватанимиз келажиги учун дахлдор деб биладиган ҳар бир инсон буни нафақат яхши англайди, балки шунга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшади. Муқаддас айёмларнинг қўшақ келиши ҳам юртимизга ёғилаётган хайр-барака, эртанги кунга бўлган ишонч ифодасидир.

Шу куни Президентимиз Ислам Каримов Мустақиллик майдонига ташриф бўлиб, хурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзулик монументи пойга гуллар қўйди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда амалга оширилган ободонлаштириш, бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Юртимизнинг бош майдони ва унга туташ бўлган Анҳор бўйи сўнгги йилларда гоят кўркам ва сўлим масканга айланди. Серсоя дарахтлар, турфа гуллар, оқаётган зилол сус — бу бетакрор манзара майдонга ўзгача гузалик ва осудалик бағишлаган.

Сўлим майдон ҳамини турдошларимиз, пойтахтимиз меҳмонлари билан гавжум. Нурунийлар, навқирон йигит-қизларнинг юз-кўзида қувонч, шоду-хурамлик ифодаси зухур этган.

Пойтахтимиз ва юртимизнинг барча жойларида яратилаётган мана шундай гўзал ва хушманзара масканлар аввало юртимиз тинчлиги ва осойишталигининг ўзига хос кўрқидир, деди Ислам Каримов. Бундай масканлар инсонни эзуликка ундайди. Гўзаллик эса яхшилик, эзулик туйғусини яратеди, одамлар қалбида меҳр-оқибат, ўзаро ҳамкорлик ришталарини ривожлантиради. Шунинг учун бундай хушманзара жойларни юртимизнинг барча ҳудудларида янада кўпайтириш даркор.

Халқимизда "Куш усида кўрганини қилади", деган гап бор. Шу боис фарзандларимиз тарбиясида бундай сўлим масканларнинг ўрни бекиёс. Чунки инсон психологияси шундай: нимани кўрсанг, тафаккури ҳам шунга қараб бораверади. Бунинг аҳамиятини, теран мазмунини халқимизга янада чуқурроқ етказиш зарур, деди Юртбошимиз пировардида.

Президентимиз майдон атрофини ободонлаштириш, ландшафт-дизайнини янада такомиллаштириш юзасидан зарур тавсиялар берди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Вазирилар Маҳкамаси, вазириклар, идоралар ва жамоатчилик номидан ҳам монумент пойга гулчамбарлар қўйилди.

Хусниддин БЕРДИЕВ, ЎЗА муҳбири

БУЮК ВА МУҚАДДАС ВАТАННИНГ УЛУҒ БАЙРАМИ

АЛИШЕР НАВОЙИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ БОҒИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

"Мустақиллик", "Озодлик", "Хуррият". Бу муқаддас каломлар дунёдаги барча халқлар тилидаги энг тогли, энг улуг, энг азиз, энг ардоқли, энг хушбахш сўзлардир. Чунки ҳар қандай халқ учун қарамликда, бўйнида бўйинтириқ, оёғида кишан билан яшаш қанчалик катта фожиа — бахтсизлик бўлса, ўз юртига ўзи эгаллик қилиб, озод ва эркин яшаш шу қадар буюк бахт — олий саодатдир.

Бундан йигирма йил илгари халқимиз ана шундай буюк бахтга мушарраф бўлди — Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Ватанимиз мустақиллигини эълон қилди. Олам аҳли буюк аждодлари башариёт цивилизациясига, илм-фани ва маданияти ривожига бекиёс ҳисса қўшган, бой тарих ва маданий меросга, улкан иқтисодий ва маънавий салоҳиятга эга мамлакат ва халқ борлигидан ҳамда дунё харитасида янги

мустақил давлат — Ўзбекистон Республикаси пайдо бўлганига гувоҳ бўлди.

Истиқлолимизнинг ҳар бир йили озод Ватанимиз солнома-сида том маънода ёрқин саҳифа бўлиб, халқимизнинг фидокорона меҳнати, улкан бунёдкорлик салоҳиятининг амалий намояни, эркин ва фаровон ҳаётимиз, гурур-ифтихоримиз тимсоли сифатида катта тантана билан байрам қилиб келинмоқда.

Шу кунларда халқимиз ана шу буюк тарихий сана азиз неъмат — ўз мустақиллигининг 20 йиллигини кенг нишонламоқда. Ушбу кутлуг байрам мамлакатимиз бўйлаб "Буюк ва муқаддас, мустақил Ватан!" деган эзгу шиор остида тантана қилинаптир. Бу қалбларимизга чексиз фахру ифтихор, гурур бахш этади.



2-бет

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

● ЖАРАЁН

Ўз киндик қони тўқилган, ота-боболари хоки ётган она юртни дунёда тенгсиз, муқаддас Ватан деб биладиган одамнинг мақсад-муддаолари аниқ, ғурур ва ифтихори юксак бўлади.

Ислоҳ КАРИМОВ

ЮРТ РАВНАҚИ

УНГА ДАХЛДОРЛИК — ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

Барчамиз энг улуг ва энг азиз айём — жонажон Ватанимиз миллий мустақиллигининг 20 йиллигини қарши олмақдамиз. Албатта, тарих учун ниҳоятда қисқа вақт ҳисобланган шу давр мобайнида барча соҳаларда амалга оширилган кенг миқёсли ислохотлар туфайли Ўзбекистон дунёнинг энг илғор демократик давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгалламоқда. Юртимиздаги тинч-тотув ва фаровон ҳаётни таъминлаш йўлидаги бунёдкорона меҳнат, мустақил юриштирилган ички ва ташқи сиёсат, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳуқуқий кафолатлари, энг асосийси, биз таълим олган йўлимиздан оғишмай, қатъият билан дадил одамлаётганимиз эришяётган салмоқли ютуқ ва муваффақиятларимиз гарови бўлмоқда.

Энг асосийси, онгу тафаккури-мизда янги дунёқарашни шакллантирган истиқлолнинг буюк моҳияти ва аҳамиятини, мустақиллик аталмиш улуг неъматнинг ҳаётимизда тутган ўрни ва қадрини ватандошларимиз бугун янада теранроқ идрок этмоқдалар.

Ўз тақдиримизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқини, эркин ва озод ҳаётни, хурриятни осонликча қўлга киритганимиз йўқ. Мана шу ўта мураккаб йўлда қанчадан-қанча заҳмату машаққатлар, оғир синовларни бошдан кечирганимиз тарихий ҳақиқат.

Юртбошимиз томонидан илгари сурилган "Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилнинг самараси ўлароқ, сиёсий соҳада ҳам ўз тадрижий тараққиёт йўлимизни белгилаб олиб, бу борадаги мақсад ва вазифаларни

босқичма-босқич амалга ошириб бораётганимиз мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этаётганини таъкидлаш жоиз.

Айниқса, фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири ҳисобланган сиёсий партияларни ривожлантиришга берилган юксак эътибор натижасида ҳозирги кунга келиб, Ўзбекистонда том маънодаги кўппартиявийлик тизими шаклланди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ўтган давр мобайнида сиёсий партияларнинг самарали фаолият юриштилари учун барча ҳуқуқий асослар яратилди. Натижада сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли, мамлакатда юз бераётган демократик янгилашлар жараёнига таъсири тобора ортиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги конституциявий нормалар асосида ривожланмоқда. Асосий Қонунимизнинг "Сиёсий ҳуқуқлар" деб номланган VIII бобидаги моддаларда фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи, шунингдек, уларнинг касба уюшмалари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги қатъий белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари 1996 йилда "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, 2004 йилда "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги қонунлар ва 2007 йилда "Давлат ҳокимиятини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг конституциявий Қонуни қабул қилиниб, уларда сиёсий партияларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари, молиялаштириш манбалари ва фаолиятга доир барча масалалар аниқ ифодаб берилди.

Президентимиз томонидан 2010 йилнинг 12 ноябрь куни Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислохотларни

янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"га мувофиқ, яқинда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни эса сиёсий партияларнинг ваколатларини янада кенгайтди. Мазкур Қонунга қўра, эндиликда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан кўрсатилади. Шунингдек, Бош вазирга нисбатан ишонсизлик вотуми билдирил, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш каби ҳуқуқлар ҳам сиёсий партиялар фракцияларига берилиш зиммамизга улкан масъулият юклаши табиий ҳол.

Бинобарин, биз мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик, эркин фуқаролик жамияти барпо этишни мақсад қилган эканмиз, бу борада фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш асосий ўрин тутлади.

Мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий қадриятларимизни, халқимизнинг урф-одатлари ва аъёнларини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитиш, миллий тикланиш ғоясини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли онгига сингдириш, ушбу ғоя асосида халқни Ватан тараққиётига, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган яратувчилик ва ижодкорлик фаолиятга сафарбар этишни ўзининг асосий мақсади деб билган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам жамиятда амалга оширилаётган демократик ислохотларда фаол иштирок этишга инти-

лаётган сиёсий кучдир.

Партияимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси томонидан сайловолди платформамизда белгиланган вазифаларни амалга ошириш, қонун ижодкорлиги йўналишидаги фаолият, парламент назорати ишлари, сайловчилар билан учрашувлар ҳамда турли тадбирларни ўтказиш бўйича кенг қўламли фаолият олиб борилмоқда.

Шуни алоҳида эътироф этиш кераки, фракцияимиз аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ялпи мажлиси муҳокамасига киритилмаган қонун лойиҳалари ва бошқа масалаларни муҳокама қилишда мақсад ва вазифаларимиз, электротимиз манфаатларидан келиб чиққан ҳолда таклиф ва мулоҳазалар билдириб, партияимиз позициясини фаол ҳимоя қилиб келишмоқда.

Албатта, фаолиятимизга энг ҳолис баҳонни сайловчиларимиз беришади. Улар билдирган ишонччи оқлаш эса фракцияимиз ҳар бир аъзосининг олдида турган мақсаддир. Шунингдек, депутатларимиз ўз сайловчилари ҳузурда тез-тез бўлиб, уларнинг муаммоларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, ечимини қутаётган масалаларни қонуний ҳал этиш юзасидан чора-тадбирлар белгилашни ўз фаолиятларининг устувор йўналиши деб ҳисоблашади.

Сайловчилар билан учрашувларда қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган тув ислохотлар, эришилаётган ижтимоий-иқтисодий натижаларнинг аҳамияти, Ўзбекистон раҳбариятининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида танлаган ривожланиш стратегиясининг аҳамияти ва инқирозга қарши чоралар дастурининг моҳияти, "Мамлакатимизда демократик

лиги бағишланган "Буюк ва муқаддас, мустақил Ватан!" шiori остида маданий-маърифий тадбирлар, тарғибот-ташвиқот учрашувлари ташкил этилмоқда. Тадбирларда партия фаоллари ва фракция аъзолари фаол иштирок этиб, ўтган давр мобайнида қўлга киритган ютуқ ва натижаларимизни, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудрати, унинг халқро майдонда нуфузи тобора юксалиб бораётгани, тув ислохотларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг қатламларига янада чуқурроқ очиб бериш ва халқро жамоатчиликка етказиш ишларига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси сайловолди ҳаракат дастурида акс этган ғоя ва мақсадларига таяниб, халқимизни озод ва обод Ватан, кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга қаратилган яратувчанлик ва ташаббускорлик, юрт равнақида дахлдорлик фаолиятига жалб этиш йўлида турли усул ва услублардан фойдаланган ҳолда кенг қўламли саъй-ҳаракатларни амалга ошириш йўлидан собитқадмлик билан бораверади.

Бинобарин, биз мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик, эркин фуқаролик жамияти барпо этишни мақсад қилган эканмиз, бу борада фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш асосий ўрин тутлади. Қонун устуворлигига эришишда давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳокимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳокимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани устидан қатъий парламент назоратини ўрнатилиш фракцияимиз аъзоларининг доимий диққат марказида бўлиб қолаверади.

Зеро, мустақиллик шароитида ўтган 20 йил — мамлакатимизда халқнинг хоҳиш-иродаси давлат сиёсатини белгилаб бериши, инсон ва жамиятнинг фаровонлигини, фуқароларнинг муносиб турмуш тарзини таъминлаш устувор вазифа эканлигини кўрсатди. Мазкур ислохотларнинг муваффақияти, авваламбор, мамлакатимизни янада демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз суръатига ҳамда фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига ҳамбарчас боғлиқдир.

Ана шундай юксак масъулият ва халқ ишончи зиммамизда экан, буни теран англаган ҳолда, Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, Халқ фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган залворли ислохотларга дахлдорлик туйғуси фаолиятимиз мезони бўлиб қолаверади.

Улугбек МУҲАММАДИЕВ, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари

● ИФТИХОР

ЮКСАК ЭЪТИРОФ

ФАОЛЛИККА УНДАЙДИ

Энг улуг, энг азиз байрамимиз арафасида жуда кўп соҳа вакиллари "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишони билан тақдирландилар. Ана шундай бахтли инсонлар қаторида менинг ҳам борлигим, ғурур, ифтихор бағишлади. Аввало шу азиз ва жаннатмақон юрдада яшаётганим, унинг буюк келажакни яратиб беришга ҳисса қўшаётганимдан фахрланаман. Зеро, бу юрдада ҳар бир эзгу ҳаракат қадр топмасдан қолмайди. Албатта, ушбу эътироф ва юксак баҳо нафақат менга, балки бутун жамоамизга мамлакатимиз тараққиёти, халқимизнинг эртанги фаровон ҳаёти учун амалга оширилган ишларига далла ва куч бериши баробарида янада кўпроқ куч-ғайрат, келажакка ишонч билан меҳнат қилишга ундайди.

Дарҳақиқат, истиқлолнинг ўтган 20 йили Ўзбекистон учун ҳар томонлама баракали бўлди, десам янглишмайман. Чунки тарихан қисқа даврда давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда улкан эзгу ишлар, муваффақиятлар қўлга киритилди. Айниқса, дунёда кечаётган глобаллашув сабаб юзага келаётган турли салбий оқибатлар, молиявий иқтисодий инқироз пайтида юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, қурилиш-бунёдкорлик ишлари, халқимиз турмуш даражасининг муттасил ошириши ва миллий номуни дунёга танилиши биз учун беқиёс тарихий воқеадир.

Фурсатдан фойдаланиб юртдошларни, партиядошларни энг улуг, энг азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 20 йиллик шодиёнаси билан чин юракдан табриқлайман.

Райхон БОБОМИРЗАЕВА, ЎзМТДП МК Ижроия Кўмитаси девони бош ҳисобчиси, "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишони соҳиби

ҚУВОНЧЛИ КУНЛАР ШУКУҲИ

Мустақиллик — улуг неъмат. Шу боис дунёда мустақил мамлакат борки, унга эришилган кун катта байрам сифатида танила қилинади. Мен шу лаҳзаларда жуда ҳам бахтиёрман. Чунки жонажон юртим — Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллигини нишонлаётимиз.

Айниқса, менга ишониб, камтарона меҳнатимни инобатга олиб, "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишонига муносиб қўрилган кувончимга кувонч, ғайратимга ғайрат қўшиди, фахр-ифтихор туйғусини уйғотди. Бу эсдалик нишони мен учун ниҳоятда қадри, ниҳоятда тенги йўқ рағбатдир.

Таъкидлаш ўринлики, юртимиз тарихан қисқа даврда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа кўплаб соҳаларда улкан ютуқларга эришиб, жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгалламоқда. Бу жараёнда, айниқса, Президентимиз томонидан ҳамма замонларда ва ҳаммамиз учун энг буюк бойлик бўлган маънавий ривожига юксак эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда маънавий-маърифий ишларни давр руҳига ҳамроҳан тарзда амалга оширишни асосий мақсад қилган Республика Маънавият тарғибот марказининг ташкил этилиши, шубҳасиз, ана шу эътиборнинг самарасидир.

Давлатимиз раҳбари «Юксак маънавият — энгилмас куч» асарининг муқаддимасида таъкидлаганидек, бугун биз тарихий бир даврда — халқимиз ўз олди-га эзгу ва улуг мақсадлар қўйиб, тинч-осойишта ҳаёт кечираётган, авваламбор ўз куч ва имкониятларига таяниб, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида улкан натижаларни қўлга киритаётган бир замонда яшамолдамиз. Шу билан бирга бугунги глобаллашув даври ҳар бир юртдошимиздан Ватанимиз, миллий ва маънавий қадриятларимизнинг том маънодаги ҳимоячиси, маънавият тарғиботчиларидан эса фидойи ва жонкуяр бўлишни тақозо этмоқда. Бундай масъулият, рағбат ва юксак эътироф фаолиятимизга янада теран назар ташлаш, юртимиз равнақи йўлида астойдил меҳнат қилишга ундайди.

Гофуржон ШОДИЕВ, Республика Маънавият тарғибот маркази бўлим мудири, "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигига 20 йил" эсдалик нишони соҳиби



ЎЗМТДП САМАРҚАНД ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

Юртдошларимиз ва партиядошларимизни

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 20 ЙИЛЛИК

айёми билан муборакбод этади.

*Сиз азизларга сихат-саломатлик,
бахт-саодат, янги-янги
зафарлар ёр бўлсин.*

ТАЪЛИМ

“ҚАРШИ ЁҒ ЭКСТРАКЦИЯ” ОАЖ ЖАМОАСИ

Халқимиз ва юртимиз меҳмонларини

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ

байрами билан муборакбод этади.

ЭЛУ ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ОСУДА БЎЛСИН!



СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ “ҚИШЛОҚХЎЖАЛИККИМЁ” АЖ ДЕНОВ ТУМАН ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

Озодлик ва ҳурлик айёми -

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ

шодиёнаси билан чин қалбдан табриклайди.
Юртимиздан тинчлик, хонадонларимиздан
файз, дастурхонимиздан қут-барака
аримасин!



ИСТИҚЛОЛ АЙЁМИ БАРЧАНГИЗГА МУБОРАК БЎЛСИН!

Агар сўнги йилларда мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларга назар солсак, уларнинг асосини буюк ва муқаддас Ватанимиз Ўзбекистоннинг келажагини бундан-да фаровон, халқимиз турмуш даражасини энг илғор дунё мамлакатлари даражасига етказишга қаратилганлигига яна бир қарра амин бўлишимиз мумкин.

Албатта, бунда илм-фан, маданият ва ишлаб-чиқаришни замонавийлаштириш, янги техника ва технология, илмий ғоя ва кашфиётларни ишлаб чиқаришга дадил жорий этишнинг аҳамияти каттадир. Асосийси, ушбу соҳаларда оламшумул ўзгаришлар қила оладиган, бугунги замон руҳи билан яшаётган, юртимиз равнақи йўлида жонини фидо қилишга тайёр ёш кадрларни етиштириш муҳим вазифаларимиздан биридир. Чунки ҳар қандай соҳа муваффақиятини таъминлашда, энг аввало, малакали, айниқса, ғайрат-шижоатга таянилади. Буни ишлаб чиқариш мутахассислари яхши билишади. Қолаверса, мамлакатимизда ёш кадрларни тайёрлаш масаласига давлат сиёсати даражасида қаралади.

“Урганчтрансгаз” шўба корхонасида ҳам ана шу йўналиш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Корхонамизнинг касб-хунар коллежлари билан олиб бораётган яқин ҳамкорлиги бунга мисол бўла олади. Шўба корхонамиз Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасида жойлашган бешта касб-хунар коллежи билан ўзаро ҳамкорлик туғрисидаги шартномани имзолаган. Шартномага кўра, корхона ушбу коллежларни моддий-техника базасини такомиллаштириш, таълим ва тарбия жараёнига янги техника ва технологияларни жорий этиш, ўқитувчи ва мураббийларнинг малакасини ошириб бориш, коллеж ўқувчиларининг

● АМАЛИЁТ

КАДРЛАР МАСАЛАСИ

“УРГАНЧТРАНСГАЗ” ШЎБА КОРХОНАСИ ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА ТУРГАН АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРДАН БИРИДИР



ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётларини ташкил этишда ёрдам беради. Шунингдек, корхонамиз ва унинг жойлардаги тизимлари касб-хунар коллежларини зарурий ўқув қуроллар, газ микдорини ўлчаш асбоби — интерферометр, вольтметр, амперметр, электрокимёвий химоя, сув ва электр таъминотида ишлатиладиган ускуналарнинг намуналари, газкомпрессор дастгоҳлари, диффометр каби йигирма номдан ортиқ турли анжомлар билан таъминлайди. Амалиёт жараёнида корхонамиз томонидан тайинланган мутахассислар ушбу ўқув муассасаларида бўлиб, ўқув қуролларини кўргазмаларни қуроллар ва турли адабиётлар, ўқув қўлланмалари билан таъминланганлик даражасини ўрганиб, бу борадаги етишмовчиликларни бартараф этишда амалий жиҳатдан ёрдам кўрсатмоқдамиз. Ўз навбатида, касб-хунар коллежлари ҳам шўба корхонамиз томонидан тақдим этилган ўқув ва кўргазмаларни қуролларни авайлаб сақлашга, шунинг билан бирга корхонамиз билан келишган ҳолда унинг жойлардаги тизим корхоналарида ишлаб чиқаришнинг янги йўналишларини ҳаётга татбиқ этиш, мутахассисларнинг малакасини янада ошириш масаласида кўмаклашади.

2011-2012 ўқув йилидан бошлаб корхонамиз касб-хунар коллежлари ўқувчиларини ўқув ва яшаш жойларидан амалиёт ўтайдиган ҳудудларга қатнашларини энгиллаштириш учун корхона ҳисобидан транспорт воситаси билан таъминлаш, яхши ўзлаштирувчи ўқувчиларга Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг икки баробари миқдorigа тенг степендия билан таъминлаш масаласини ҳам кўриб чиқмоқда.

Касб-хунар коллежлари билан ҳамкорликни янада яхшилаш мақ-

садида корхона раҳбарияти ва етакчи мутахассислари мунтазам равишда ўқитувчи ва ўқувчилар билан учрашувлар ўтказиб туради. Бу каби тадбирларда ўқув жараёнини янада такомиллаштириш масаласи юзасидан ўқитувчи ва ўқувчилар томонидан кўплаб таклифлар билдирилади. Масалан, яқинда Урганч шаҳридаги нефть ва газ саноати касб-хунар коллежидан ана шундай тадбирлардан бири бўлиб ўтди. Унда ҳозир бўлган шўба корхонаси мутахассислари “Урганчтрансгаз” фаолиятининг тури, газ транзити жараёни, компрессор станцияларининг ишлаш жараёни, газ ҳайдашда қўлланиладиган техника ва технологиялар, замонавий дастгоҳлар хусусида маълумот беришди. Ўз навбатида ўқувчилар корхона вакилларига ўзларини қизиқтирган саволлар билан ҳам мурожаат қилишди. Саволлар асосан, корхонадаги иш шaroити, ишга жойлашмишда талаб этиладиган илмий ва амалий кўникмалар, касб маҳорати ва албатта, корхонанинг узоқ ва яқин келажақдаги тараққиёт режалари ҳақида бўлди.

Айни кунларда шўба корхонасига бириктирилган касб-хунар коллежларида таълим олган 125 нафар ўқувчи тажрибали мутахассислар раҳбарлигида Заунгур, Урганч, Акчалок, Кўнғирот магистрал газ тармоқлари бошқармаларида малака ошириш ва дипломолди амалиётларини муваффақиятли ўтаб, устозлар олдида олган билимларининг ҳисобини беришмоқда. Улар “Назорат — ўлчов асбоблари ва автоматика”, “Газ билан таъминлаш тизимини монтаж қилиш ва таъмирлаш”, “Газ ва нефть ташиш ва сақлаш” каби йўналишларда етарли малакага эга бўлишди. Ушбу амалиётлар даврида ёш мутахассислар корхонамизда меҳнат қилаётган ишчи ва хизматчиларнинг

меҳнат шароитлари билан танишишди, газ транзити жараёнини амалга оширадиган цехларда бўлиб, газ ҳайдашда қўлланиладиган дастгоҳ, уларнинг унумли ишлаши учун зарур шарт-шaroитлар, мутахассисларнинг иш жараёнидаги ҳаракатлари, назорат-ўлчов асбобларининг ишлашини бевосита кузатишди. Шу соҳада кўп йиллардан бери ишлаб келаётган тажрибали ишчилар билан бевосита мулоқотда бўлишди. Айниқса, ёшлар томонидан Ўзбекистон иқтисодий, халқаро ҳамкорлик ва ҳудудларни тараққий эттириш масаласи юзасидан берган саволлари соҳа мутахассисларини жиндак шошириб ҳам қўйди. Айтиш жоизки, ишлаб чиқариш корхоналарида ўтказилган бундай учрашувлар, энг аввало, ёшларнинг савияси, маънавий дунёсини бойитиш ва шакллантиришга катта ҳисса қўйиши шубҳасиз.

Муҳими шуки, касб-хунар коллежлари битирувчиларини корхонамиз тизимига ишга қабул қилишнинг аниқ механизми ишлаб чиқилди. Унга кўра, энди шўба корхонанинг тажрибали мутахассислари коллеж битирувчиларининг яқиний имтиҳонларида қатнашиб, улар орасидан энг иқтидорли ёшлар танлаб олиниб, ишга таклиф қилинади. Ишга қабул қилиш жараёнида нафақат уларнинг назарий билими, балки ишлаб-чиқариш амалиёти даврида орттирган тажрибаси ҳам эътиборга олинади. “Урганчтрансгаз” шўба корхонаси келгусида ҳам ана шу йўналишдаги ишларни давом эттираверади. Чунки, эгаллаган ҳар қандай билим амалиёт орқали янада мустаҳкамланади.

Иброҳим ҚОРАБОЕВ,
халқ депутатлари
Хоразм вилояти Кенгаши
депутати



“КОСОНСОЙ САНАТОРИЯСИ” МЧЖ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон халқини мамлакатимиз

МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ

шодиёнаси билан чин дилдан қутлаб, барчага энг самимий тилакларини йўлайди! Мустаҳкам соғлиқ, яхши кайфият доимо ҳамроҳингиз бўлишини тилаймиз! Энг катта бойлик - сиҳат-саломатлигингизни тикламоқчи бўлсангиз, жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган бизнинг сувлари шифо, ҳавоси минг дардга даво Косонсой санаториясига марҳамат қилинг!

ОНА ВАТАНИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИ АБАДИЙ БЎЛСИН!



Бизнинг манзил: Наманган вилояти,
Косонсой шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 21-уй.
Мурожаат учун телефонлар: (8-36965) 21-192, 21-198

БАЙРАМ ТИЛАКЛАРИ

● ШУКУХ

ДАДАМ, ИСМИМНИ БИЛИБ ҚЎЙГАН ЭКАН

ДЕЙДИ ЎЗМТДПДАН ФАРФОНА ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНИДАГИ “МУҚИМИЙ ФАЙЗ” ФЕРМЕР
ХЎЖАЛИГИ РАХБАРИ БАХТИЁР ТОШТЕМИРОВ


Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар қишлоқ хўжалигида ҳам ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Хусусан, Президентимизнинг “1998-2000 йиллардаги даврда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастури тўғрисида”ги 1998 йил 18 мартдаги Фармони юртимизда фермерлик ҳаракатини янада тараққий топишига, ривожланишига олиб келди. Шу билан бирга фермер хўжалиқлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ҳам яратилди. Республикада фаолият кўрсатаётган фермер хўжалиқларининг сони 66134 тани ташкил этиб, уларга ажратилган ер майдони 5 млн. 200 минг гектардан ошади. Бугунги кунда уларнинг республика қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришдаги улуши эса 56 фоизга етди.

Фарфона вилоятида деҳқон ва фермер хўжалиқларини ташкил этиш, ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилган. Бугун вилоятда ҳар бир ишда юқори натижаларга эришаётган фермер хўжалиқлари кўпайиб кетди. Улар фермер хўжалиқлариға хорижий инвестицияларни жалб этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, турли сервис хизматлари кўрсатиш, илғор техника ва технологиялардан фойдаланиш борасида ҳам ташаббускор бўлмоқда.

Ўзбекистон туманидаги “Муқимий Файз” фермер хўжалиги 1994 йилда ташкил этилиб, асосан, чорва ва наслчилик билан шуғулланади. Хозирги кунда 450 бош наслдор қорамол парвариш қилинмоқда. Шундан 110 боши соғин сугир бўлиб, ҳар бир сугирдан кунига 15 литр сут соғиб олинапти. Бу кўрсаткич 1 бош сугир ҳисобига йилга 3500 литрдан ошиб кетади.

Фермер хўжалиги раҳбари Бахтиёр ака Тоштемиров ҳаракатчан, янгиллик интилади, ўз устида кўп ишлайди. Франция, Туркия каби давлатларда ўқиб, тажриба алмашиб қайтди. Шу боис, у хорижий фермерлар фаолияти ва иш жараёнлари билан яқиндан таниш.

— Биз вилоятимиздаги чорвачилик фермер хўжалиқларига йилига 30-40 бошдан наслдор бузоқларни етказиб берамиз, — дейди Б.Тоштемиров. — Бундан ташқари,



бошқа хўжалиқлар ҳам 5-10 тадан бузоқларимиздан олишади. Умумий еримиз 137,5 гектарни ташкил қилса, шундан 96 гектарига турли ўт, хашақлар экилади. Қолган еримизда галла, пахта етиштирамиз. Бирор-бир йил йўқки, режалар бажарилмаган бўлса. Ҳар йили ҳосилдорлик ҳам ошиб бормоқда. Ишчи-хизматчиларимиз 70 нафардан ошиқ бўлиб, асосан, ёшлардан таркиб топган. Албатта, техника — деҳқоннинг қаноти, дейишади. Хайдовдан тортиб, галла, ўт ўрадиган техникаларимизгача бор. Уларни ўз фойдамиз ҳисобига олганмиз. Ишчи-хизматчиларимиз иссиқ овқат, кийим-бош билан таъминланган. Бир нарсани айтмай, дадам 30 йилдан ортиқ хўжалиқда 120 гектар ерда бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган. Аммо, бундан ҳеч қандай наф кўрмаган. Амалтақал қилиб оила тебратиб турганмиз. Мен эса мустақиллик туфайли фермер бўлдим. Ерга эгалик қилдим. Яратилган шарт-шароит ва имкониятлар туфайли фаолиятимни кенгайттирдим. Фермер бўлиб чет элга чиқдим, дунё кездим. 137 гектар ерда ишлаб, отам 30 йилда эришолмаган муваффақиятга 10-12 йил ичида эришдим. Мана бугун қишлоқнинг энг олди уйини кўрдим. Тўйлар қилдим. Шу кунларда яна бир ўғлимни уйлаш тараддудига турибман. Ўзимизда ишлаб чиқарилаётган “Дамас”, “Спарк”, “Нексия”, “Ласетти”, “Эпика” машиналарини минаяпмиз. Бу нима туфайли? Мустақиллик, Истиқлол, қолаверса, Президентимизнинг биз фермерларга кўрсатаётган гамхўрлиги натижасидир. Муҳтарам Президентимиз энди мустақилликка эришган йилларимизда: “Ҳали кун келади, фермер бойи, чиройли уйлар қуради, кўша-кўша машиналар минади. Деҳқон бой, тўк бўлса, юрт ҳам обод бўлади”, деб айтган эдилар. Бугун ўша гаплар менинг тақдирим мисолида ўз исботини топмоқда. Биз энди 20 ёшга кирдик. Ҳали кўрасиз 25-30 ёшга тўлганимизда унча-унча давлатлардан ўзиб кетамиз. Мен жуда бахтиёрман. Дадам исмиمنى билиб қўйган экан. Шундай юрда яшаётганим, меҳнат қилаётганимнинг ўзи бахт.

Бахтиёр ака қўли очик, сахий юртдошларимиздан. У доимо савоб, меҳр-мурувват ўйи билан яшайди. Наврўз, Янги йил, Ҳайит, Мустақиллик байрамларида жамоа ишчилари билан бирга ён-атрофда яшаётган маҳалладаги кам таъминланган

оилаларга, ёлғиз кексаларга баҳоли қудрат кўмак беради. Яқинда “Муқимий Файз” фермер хўжалиги номидан мустақиллик байрами арафасида Қўқон шаҳри аҳолисига 1 тонна, Тошкент шаҳри аҳолисига эса 2 тоннадан зиёд арзон нархларда гўшт маҳсулотлари етказиб берди.

Б.Тоштемиров Фурқат туманидаги 60-Муқимий сайлов округидан ЎЗМТДПдан вилоят ва туман кенгашига депутат бўлиб сайланган. Ўз иши билан депутатлик фаолиятини ҳам тенгма-тенг олиб боради. Шойимбек қишлоғида тоза ичимлик суви муаммоси бўйича депутатлик сўрови билан чиқиб, муаммони тезда ҳал қилди. Тумандаги 33-умумтаълим мактаби томини ёпиш масаласини туман кенгаши сессиясида кўтариб чиқди. У ҳам ижобий ҳал бўлди. Шу билан бирга янги иш ўринлари яратиш, ёшларни иш билан банд этиш масалалари бўйича амалий ишлар қилинди. Ўзининг фермер хўжалигига коллеж битирувчиларидан 4 нафарини ишга олди. Фурқат туманидаги 23-умумтаълим мактабининг спорт зали қурилишига депутатлик сўрови билан чиқди. Худуддаги кам таъминланган оилаларга қорамол олиб берди. Ободонлаштириш, кўкalamзорлаштириш ишларига доимо бош-қош.

— Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор, — дейди Бахтиёр ака. — Тинчсуда кунларнинг шукронасини қилишимиз керак. Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ ва маҳаллаларимиз обод, кўрам бўлиб бормоқда. Кўчаларимизга автомашиналар сигмайди. Буларнинг барчаси юртимизнинг барқарор ривож, ҳаётимиз фаровонлигининг ифодаси ва энг муҳими тинчлигимиз шарофати. Бу энг аввало, биздан фаолликни, бунёдкор бўлишни, бор куч ва имкониятимизни аямай меҳнат қилишни талаб этади.

Бахтиёр ака билан хайрлашар эканмиз, истиқлол шабодаси юртдошларимиз онгу шуурини буткул ўзгартириб юборганига гувоҳ бўлдим. Қайси бир касб эгаси билан суҳбатлашманг юзида кувонч, шукроналикни сезасиз. Улар бор кучини, ғайратини юрт, Ватан учун фидо қилишга тайёр. Биздан эртанимиз, фарзандларимиз учун обод ва озод Ватан қолаётганидан бахтиёр. Шу эмасми, мустақиллик қадрли, аҳамияти.

Эркин Йўлдош,
“Milliy tiklanish”
муҳбири



“ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ”
ОАЖ ХОРАЗМ ФИЛИАЛИ

жамоаси



Бутун Ўзбекистон аҳлини

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ҚУТЛУҒ 20 ЙИЛЛИГИ

билан қизғин табриклайди.

Чексиз орзу-умидларга,
қувончларга тўла ушбу кунда
барчага тинчлик ва хотиржамлик,
мустаҳкам соғлик, эзгу
ишларида каттадан-катта
зафарлар тилаб қолади.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАГИ
НАЗОРАТ-ТАФТИШ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

Дилларни шодлик, қувончга тўлдириб
энг улғу, энг азиз байрамимиз

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ
20 ЙИЛЛИК

шодиёнасини нишонлаяпмиз.

Юртимизнинг ҳар бир
гўшасида тинчлик,
хотиржамлик, омонлик,
фаровонлик бўлишини тилаймиз.

МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИНГИЗ
МУБОРАК БЎЛСИН,
АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

ҚУТЛОВ



ЎЗМТДП СИРДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

Мамлакатимиз халқини дунёда бетакрор она юртимиз, жонажон Ўзбекистонимиз

МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ

билан муборакбод этади.



**МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ЯНАДА МУСТАҚАМ,
ЮРТИМИЗ БУНДАН-ДА ФАРОВОН БЎЛСИН!**

ҚАШҚАДАРЁ КАРАТЕ ФЕДЕРАЦИЯСИ

**20
ЙИЛ**

Барча юртдошларимизни

энг улуғ байрамимиз

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ

20 йиллиги

билан табриклайди.

Сизларга мустақам соғлик,
ишларингизда

муваффақиятлар тилаймиз.

ЮРТИМИЗ ДОИМО ТИНЧ ВА ОСУДА БЎЛСИН!

ИСТИҚЛОЛНИНГ

20 йиллиги

билан муборакбод этамиз.



*Хар бир кунингиз байрамлардагидек,
Барча эзгу тилаклар доимий ҳамроҳингиз
бўлишини тилаймиз.*

● **ИШ БИЛГАНГА МИНГ ТАНГА**

ДАВЛАТ – МУЛҚДОР ҲИМОЯЧИСИ

Хар бир шахс ўз соҳасида фаолият юритар экан, касбни ривожлантиришга, ютуқларга эришишга интилади ва изланишлари натижасида жамият ва халқ ҳам манфаат кўради. Юртимизда эса шахсни эркин фаолият олиб боришида кенг имкониятлар яратилган. Муҳтарам Юртбошимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг ўтган йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма йиғилишидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да илгари сурилган вазифалар биз учун дастуриламал ҳамда ҳимоя кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.



миз. Улар билан шартнома тузилди. Айти пайтда, улар ишлаб чиқариш амалиётини бизнинг корхонада ўтамоқда. Бундан ташқари, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати сифатида Андижон туманидаги саноат энергетикаси касб-хунар коллежи билан яқин ҳамкорлик қиламиз. Бу йил коллежимизни 297 нафар ўқувчи битирди. Талабалар билан мунтазам учрашувлар олиб борилиб, уларнинг кизиқишларини ўрганиб, уч томонлама шартнома тузишга эришдик.

Депутатлик назорати даврида қишлоқ ҳудудидаги «Айрилиш», «Дамарик», «Беш бўйноқ» маҳаллалари ҳудудида жами 63 та намунали лойиҳа асосида янги турар-жойлар қурилиши бўйича лойиҳалаш ишлари олиб борилмоқда. Қурилиш ишлари 2012 йилда бошланади.

Қишлоқ ҳудудидаги маҳаллаларда асосий ва ички кўчаларни капитал таъмирлаш, газ ва ичимлик суви тармоқларини яхшилаш, аҳоли турар-жой биноларини замонавий лойиҳалар асосида қуриш, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш сервис объектларини қайта-

дан замонавий услубда қуриш, кичик корхоналар ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, миллий хунар-мандчилик, касаначиликни ривожлантириш орқали қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш бўйича иш олиб борилмоқда.

Қишлоқ ҳудудидаги Беш бўйноқ маҳалласига ичимлик суви олиб келинди. «Гулистон», «Айрилиш» МФЙлари аҳолисини тоза ичимлик суви билан тўлиқ таъминлаш мақсадида қурилиш-монтаж ишлари олиб борилмоқда. Бу лойиҳа 2011 йил сентябрь, октябрь ойларида якунланиши кўзда тутилган.

Биз улкан ўзгаришлар даврида яшамоқдамиз. Бу, ўз навбатида, хар бир инсондан, у қайси соҳада бўлмасин, хушёр ва янгилеклардан хабардор бўлиб яшашни тақозо этади. Тадбиркорлар эса икки ҳисса эътиборли ва зийрак бўлишлари зарур. Ишлаб чиқаришдаги хар бир ўзгаришни, янгилекни ўз вақтида илғаб, фаолиятларига татбиқ этиб боришлари талаб қилинади. Бунинг учун корхоналарга малакали ишчи кадрлар жуда ҳам зарур. Шу маънода, бугун коллежларга эътибор беришимиз, уларнинг битирувчилари учун кўпроқ иш ўринлари яратишимиз ва ишлаб чиқаришни замон талаблари асосида йўлга қўйишимиз ўта муҳимдир. Ўйлайманки, бу уринишларимиз яқин йилларда ўз самарасини беради.

Биродар ЮСУПОВ,
халқ депутатлари
вилоят Кенгаши депутати,
«Андрометалл хамкор» МЧЖ шаклидаги қўшма корхона раҳбари

Президентимиз Концепцияда, жумладан, шундай фикрларни билдирдилар: «Биринчи навбатда, хусусий мулкнинг ҳуқуқ ва ҳимоясини мустақамлашимиз, хар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкнинг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратишимиз зарур. Хар бир тадбиркор аввало, шуни аниқ-равшан билиб олиши керакки, давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоясидир».

Албатта, бундай кафолатлар бизни янада юксак марралар сари илҳомлантиради. Шу кунгача ўз ишлаб чиқаришимизга жами 600 минг АҚШ долларига тенг чет эл инвестициясини жалб қилдик. Ҳозирда корхонамиз тўла қувват билан фаолият юритиб, маҳаллийлаштириш дастури асосида Асакадаги «GM Ўзбекистон» заводига 21

хилдаги бутловчи қисм етказиб бериш билан бирга рангли шифер ва гишт ҳам ишлаб чиқармоқда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг ISO-2001 бўйича Ўзбекистон ва халқаро сертификатлари мавжуд. Йилига 500 миллион сўмлик бутловчи қисм етказиб бериш қувватида эга. Ўтган 2010 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 470 миллион сўмни ташкил этди. Иш икки сменада ташкил этилган бўлиб, дам олиш, овқатланиш, тиббий хоналар ходимлар хизматида. Бу йил ишлаб чиқаришни ривожлантириш ниятида яна 500 минг АҚШ долларига тенг жиҳозлар ўрнатилиши режалаштирилган. Шунга асосан яна қўшимча иш ўрни яратилади. Ўтган йили 35 та иш ўрни яратган бўлсак, бу йилги кўрсаткичи 30 тага етказдик. Мазкур иш ўринларининг 10 дан ошмига коллеж талабаларини қабул қилишни режалаштирган-




**ЎЗМТДП НАМАНГАН
ВИЛОЯТ КЕНГАШИ**

*Муствақиллигимизнинг
20 йиллиги*

байрами билан барча юртдошларимизни
самимий табриклайди.

*Гўзал юртимиз жамоли чирой очаверсин.
Жаннатмакон юртимизга ҳеч
қачон кўз тегмасин!*




ЖАРАЁН

ЛОЙИХА

МАҚСАДИМИЗ: ХАЛҚ ИШОНЧИ ВА ҲУРМАТИНИ ҚОЗОНИШ

Мустақиллик биз учун энг улуг, энг азиз қадрият бўлиб, миллий ўзлимиз, ор-номусимиз, фахр-ифтихоримиз тисмоли, эзу орзу-интилишларимизнинг ҳаётбахш манбаи сифатида юртдошларимиз қалбидан мустаҳкам ўрин олди. Утган тарихан қисқа даврда мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси ва раҳнамолигида барча соҳаларда мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берди. Хусусан, ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий ва соғлиқни сақлаш йўналишида салмоқли ютуқларга эришдик.

Дарҳақиқат, бу каби ижобий ишлар ва ютуқларни Хоразм вилоятида ҳам ҳар қадамда учратамиз. Зафар ака Каримов ёш бўлишига қарамай, ўзининг ҳалол меҳнати, тиршиққолиги, фидойилиги сабаб кўпчиликнинг меҳрини қозонди. Унга ишонч билан бирга депутат сифатида халқ хизматида. Янги иш ўринлари яратилишига кўмаклашиш, тадбирлар ўтказиш, оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ёш спортчиларга кўмак бериш, хотин-қизларнинг саломатлиги ҳақида қайғуриш — барига улғуришига ҳаракат қилади. Депутат сифатида вилоят кенгаши сессиясида сўзга чиқиб, касб-хунар коллежларида ёрдамга муҳтож кишилар учун курслар очишни таклиф этди. Ўзи эса ҳудуддаги 2 нафар имконияти чеklangан қизни Тошкентда ўқув курсида тахсил олишига кўмак берди. Айни кунда ана шу қизларнинг 5-10 нафардан шоғирди бор. Ёрдамга муҳтож кишиларни таълим олишига, касбга йўналтириш борасида ижобий ишлар олиб бормоқда. Ҳозирда тумандаги "Намуна", "Қирқён" ҚФЙда спортнинг 7-8 тури бўйича тўғарак ташкил этилган. Уларга спорт жиҳозлари, кийимлар олиб берди. Ёшлар Ўзбекистон ва жаҳон чемпионатларида фахрли ўрин-

ларни олишмоқда. "Хонқа баракка қоп" МЧЖга 200 миллион сўм кредит олишига кўмак берди. Корхона ишга тушиши натижасида 25 нафар иш ўрнига эга бўлди. — Ҳудудда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун кўплаб тадбирлар олиб бормоқдамиз, - дейди биз билан суҳбатда З.Каримов. — Мустақиллик байрами арафасида 8 нафар қиз иш ўрнига эга бўлди. Хотин-қизларни саломатлигини тиклаш, доимо назоратда бўлишини таъминлаш мақсадида "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси Хоразм вилоят бўлими билан ҳамкорликда тадбирлар ўтказмоқдамиз. Жамғарма бўлими раиси Саломат Эржоновна бу ишларга бош-қош бўлаяпти. Саломат опа бир неча йиллардан буён "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармасининг Хоразм бўлимини бошқариб келмоқда. У ҳам ЎзМТДдан вилоят кенгаши депутатлигига сайланган. Вилоятдаги хотин-қизларнинг саломатлигини тиклаш, тиббий кўриқдан ўтказиш, ёш авлодни соғлом, бақувват бўлиб вояга етишида ўз меҳнатини аямайди. — Вилоят кенгаши депутати Зафар Каримовнинг сўрови билан Хонқа туманидаги "Қирқён" ҚФЙда икки кундирки аёллар, хотин-қизлар тиббий кўриқдан ўтказилипти. Бу ерга энг сўнгги тиббий жиҳозларни ҳам олиб келдик. Кунига 80-100 нафар аёл, ёш болалар тиббий кўриқдан

ўтказилмоқда. Бундан кўзланган асосий вазифа чақалоқлардаги туғма нуқсонни аниқлаб, уларни Республика "Соғлом авлод учун" хайрия жамғармаси гранти лойиҳаси асосида Тошкент тиббиёт академиясига жарроҳлик учун йўлланма бериш. Текширувларни жамғарманинг "Амбуланс" бригадаси тиббий ижтимоий патронаж мутахассислари олиб боришмоқда. Бу йил ҳисобидан 2 нафар болага Тошкентда жарроҳлик амалиёти қилиниб, саломатлиги тикланди.

Д.Шарипова, уй бекаси: —Олти нафар фарзандим бор. Йилига бир-икки бор тиббий кўриқдан ўтиб тураман. Фарзандларимиз соғлом, бақувват бўлиб улғайишмоқда. Спорт билан шуғулланишмоқда. 1992 йилда туғилган қизим Юлдуз Эржаева миллий кураш бўйича ўз вазнида Ўзбекистон чемпиони бўлди. Ҳукуматимизнинг биз оналарга, болаларга кўрсатаётган ғамжўрлиги, эътибори сабаб фарзандларимиз ҳар томонлама кучли, билимли бўлиб ўсишяпти. Депутат Саломат Эржоновна ўтган олти ой мобайнида вилоятда 30 нафар ногирон болаларга ногиронлик аравачаларини олишига кўмаклашди. 5 минг турдаги дори-дармон тарқатилди, 12 мингдан ортиқ аҳоли тиббий кўриқдан ўтказилди. Коллеж, мактаблардаги учрашувлар, суҳбатларда мунтазам қатнашади. Кам таъминланган, ёлғиз қариялар ҳолидан хабар олиб туради. Юртга фидойилик, инсонларга меҳр-саховат кўрсатиш каби фазилатлар бизга бегона эмас. Зеро, энг улуг, энг азиз бўлган мустақиллик ўз қадриятларимиз, ўзлимиз, урф-одатларимизни бизга қайтариб берди. Ўз куч ва салоҳиятига таянган, билим ва тажрибаларини Ватан равнақи йўлида сафарбар этадиган ёшларимиз кўпаяверсин, деймиз. **Нурали ЙЎЛДОШЕВ**

Эзу мақсадларни кўзлаган "Меҳр нури" жамғармаси 2004 йилдан буён мамлакатимиздаги туғруқхона, поликлиника, мактаб, болалар боғчалари ва бошқа кўлаб ижтимоий объектларни таъмирлаш, уларни замонавий жиҳозлар билан таъминлаш, иқтисодий ёшлар, тадбиркор аёллар ва фермерларни қўллаб-қувватлаш, ўзбек халқининг миллий қадриятларини тарғиб қилиш, асраб-авайлаш, саховат ва меҳр-муруват кўрсатишга қаратилган қатор дастур ва лойиҳаларини амалга ошириб келмоқда.

Бундан ташқари, жамғарма кам таъминланган оилаларга маблағ ажратиш бўйича лойиҳа муассисидир. Шунга кўра, ҳар бир оила учун очилган махсус ҳисоб рақамларига ойда бир маротаба пул ўтказилади. Энг улуг, энг азиз байраимиз — Мустақилликнинг 20 йиллиги арафасида Тошкентдаги 5-сон шаҳар болалар шифохона "Меҳр нури" жамғармаси томонидан таъмирланиб, фойдаланишига топширилди. Мазкур касалхона пойтахтимиздаги барча туғруқхоналардаги чақалоқлар ҳамда 3 ёшгача бўлган болажонларга хизмат кўрсатади. Жамғарма ташаббуси билан ҳомийлар ёрдами-

● МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

"МЕҲР НУРИ"НИНГ ЯНГИ ТУҲФАСИ

да қурилиши бошланган шифохона бугун капитал таъмирдан чиқарилди. 130 нафар беморга мўлжалланган педиатрия, болалар патологияси ва уларни парвартиш, оналарни соғломлаштириш ва жонлантириш, тезкор терапия бўлимлари энг сўнгги замонавий тиббий ускуналар, жиҳозлар ва техник воситалар билан таъминланди. Шунингдек, марказлаштирилган стерилизация бўлими, дори-хона ва бошқа бўлимлар янги бинога кўчирилди. Палаталар шина ва ҳар томонлама қулай алоҳида хоналарга ажратилди. Бу ерда она ва бола учун барча шароитлар муҳайё қилинди. Шифо масканининг очилишида сўзга чиққанлар, ушбу касалхона оналик ва болалик муҳофазаси йўлида олиб борилаётган кенг қўламли ишларнинг мантикий давоми эканини, фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом ва етук бўлиб вояга етишлари учун мўлжалланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтишди.



"Меҳр нури" жамғармаси томонидан ҳавас қилса арзигulik даражада таъмирдан чиқарилди. Энг сўнгги русумдаги тиббий жиҳозлар олиб келиб ўрнатилди. Шифокорлар фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратилди. Тўғриси, бундай эътибор ва ғамжўрликдан нафақат жамоамиз, балки беморларнинг ота-оналари, қўйинги уларни кўргани келган яқинлари ҳам мамнун. Бўёғига фидойилик билан ишласак бўлмайти.

Назира АМИНЖОНОВА, ҳамшира: — Қарийб 24 йилдан бери шу соҳада ишлаб келаман. Шу кунгача бундай бинони, шароитни фақат орзу қилар эдик. Бунинг қарангки, мустақиллик туфайли орзуимиз ушалди. Бунинг учун аввало, Юртбошимизга, таъмирлаш ишларига бош-қош

Дилором ДАВЛЕТОВА, бош шифокор: — Мустақиллик йилларида Президентимизнинг сазой-ҳаракатлари билан тиббиёт соҳасида туб ислохотлар амалга оширилди. Айниқса, етук ва малакали мутахассисларни тайёрлаш, уларнинг малакасини муттасил ошириб бориш борасида катта ишлар қилинмоқда. Мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрами жамоамиз учун қўшалок келди. Шифохонамиз

ДАНҒАРА ТУМАНИДАГИ 1-ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН УМУМТАЪЛИМ МАКТАБ-ИНТЕРНАТИ ЖАМОАСИ

Барча юртдошларимизни, устоз ва мураббийларни Ўзбекистонимизнинг мустақиллигига 20 йил тўлиши билан қизғин табриклайди.

Сизларга соғлиқ-омонлик, хонадонингизга тўқинлик тилаймиз.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗЛАР!

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

ЎЗМТДП НАВОИЙ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

Давлатимизга, халқимизга беминнат хизмат қилиб, ижтимоий-иқтисодий барқарорлигимизни сақлаш ишига ҳисса қўшаётган барча ватандошларимизни

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ

20 йиллик

байрами билан муборакбод этади.

"ҚАШҚАДАРЁПАХТАСАНОАТ" ХАБ ЖАМОАСИ

Халқимизни Ўзбекистон Республикаси МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ

20 йиллиги

билан табриклайди.

Бободехқонларимизнинг пахта хирмонлари янада юксалсин. Рўзгорингиздан қут-барака, тўқин-сочинлик аримасин!

Эркин ЙЎЛДОШ, "Milliy tiklanish" мухбири

● **ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ****АҲОЛИНИНГ БАНДЛИК ДАРАЖАСИ**

ЯНГИ ИШ ҲАРАКАТЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲИСОБИГА ОШИБ БОРМОҚДА

Мустақиллик байрами арафасида ўтган давр ичида амалга оширилган ишлар, келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифалар сарҳисоб қилинади. Муҳтарам Юртбошимиз томонидан 2011 йил — “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилингани, ушбу қарор асосида Давлат дастури ва бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинганига ҳам олти ойдан ошди. Дастурнинг қай бир банди қай тарзда бажарилиганини таҳлил этиш, унда белгиланган вазифаларни ўз муддатида сифатли бажарилиши, энг аввало, қарорда белгиланган мақсадларга эришишни таъминлайди.

Бу борада Фарғона вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасида ҳам зарурий чора-тадбирлар кўрилди. Инчунин, Давлат дастурининг бажарилишини таъминлаш мақсадида 2001 йилнинг 14 мартда бошқарманинг 35/А-сонли буйруғи қабул қилинди. Унга кўра, бажарилиши лозим бўлган аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, режа асосида тизимли равишда амалга ошириб борилмоқда. Фарғона вилояти ҳокимининг 2011 йил 1 февралдаги 34-сонли қарори билан тасдиқланган ҳудудий дастур 9 та боб, 154 банддан иборат бўлиб, шундан меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси томонидан 5 та боб, 23 та банд бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, Дастурнинг иккинчи бобида кўрсатилган “Корхоналарнинг молиявий-ҳўжалик ишларига давлат ва бошқа назорат органларининг аралашувини кенг миқёсда қисқартириш” масаласи бўйича бош бошқарма томонидан амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва ҳафтанинг ҳар жумаси “Тадбиркорлар кўни” деб белгиланди. Шундан келиб чиққан ҳолда, ҳар жума бошқарма-

нинг туман ҳамда шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларида тадбиркорларни қабул қилиш, уларнинг муаммоларини ҳал этишнинг самарали йўллари излаш ва ёрдам бериш, мавжуд муаммолар ечимини биргаликда излаш асосий вазифа этиб белгиланди. Бундан ташқари, Фарғона шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказида замонавий “Ахборот ресурс маркази” (АРМ) иш бошлади. АРМга ажратилган алоҳида хона талаб даражасида замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Бунинг учун 30 млн. сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Эндиликда иш сўраб келувчилар бўш иш ўринлари тўри-сидаги маълумотни ҳам айнан шу ернинг ўзида билиб олишади. Бўш иш ўринлари ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлаётган ёшлар ўзларига мос ишни топиб, тегишли йўлланма орқали корхона ва ташиқлотларга юборилмоқда.

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурининг асосий йўналишларидан бири — бу янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлиги даражасини оширишдир. Агар вилоят бандлик дастурига асосан

жорий йилнинг олти ойи давомида яратилган иш ўринлари 49822 тани ташкил этган бўлса, ушбу Дастур асосида кичик бизнес соҳасида 35409 та янги иш ўрни яратилди. Жумладан, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасида — 7793 та, ишлаб чиқариш соҳасида — 3971 та, турар-жой биноларини таъмирлаш ва реконструкция қилиш билан бирга қурилиш соҳасида — 1525 та, хусусий тадбиркорлик соҳасида — 5603 та иш ўрни яратилди.

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури тадбиркорликни ривожлантириш эвазига аҳоли бандлигини ошириш ва пировард натижада аҳоли турмуш даражасини, реал даромадларининг ошишига имкон бермоқда. Бу каби имкониятлардан фойдаланаётган, янги иш жойлари ташкил этиб, турли хил озиқ-овқат, саноат, қурилиш ва бошқа турдаги ишлаб чиқариш корхоналарини, касаначилик ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантираётган тадбиркорлар ҳам ўз навбатида халқимизга хос саховатпешалик, бағрикенглик хислатларини намоён этиб, кўмакка муҳтож ёлғиз қариялар, ногиронларга ҳомийлик ёрдамларини кўрсатиб келишмоқда. Жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида улар томонидан вилоятимиздаги мавжуд учта “Мурувват” ва битта “Саховат” уйларига жами 140 млн. сўмдан ортиқ моддий ёрдам кўрсатилди. Ушбу маблағларнинг 45 млн. сўмдан ортиги озиқ-овқат маҳсулотларини, 25 млн. сўми кийим-кечаклар ҳақида учун сарфланди. Шаҳар ва туманларимизда яшовчи ўзгалар парваршига муҳтож ёлғиз қариялар ҳам тадбиркорлар ҳимматидан баҳраманд бўлишмоқда. Уларга 170 млн. сўмдан ортиқ озиқ-овқат маҳсулотлари ҳомий-

лик сифатида тарқатилди. 20 млн. сўмдан ортиқ маблағ эса уларнинг турар-жойларини таъмирлаш, ободонлаштириш ишлари учун сарфланди. 614 нафардан ортиқ қариялар ҳомийлар ҳисобидан турли сихатгоҳларда даволаниб, ўз соғлиқларини тиклаб олишди.

Президентимизнинг 2010 йил 29 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2011 йил Инвестиция дастури тўғрисида”ги қарори билан вилоятнинг Олтиариқ туманида жойлашган “Олтиариқ” сихатгоҳида қиймати 1 млрд. 150 млн. сўм бўлган 100 ўринли ва Фарғона шаҳар болалар “Мурувват уйи”да қиймати 550 млн. сўмга тенг 50 ўринли ётоқ корпусларини қуриш режалаштирилган эди. “Олтиариқ қурилиш инвест” ва “Чин-А” хусусий фирмалари ишчи-ҳодимлари томонидан ушбу объектларда белгиланган режалар асосида иш олиб борилди. Ҳозирги кунда ушбу объектларда якуний пардозлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Вилоят ногиронларни реабилитация қилиш минтақавий марказида ҳам “Раҳбар қурилиш-таъмирлаш” масъулияти чекланган жамиятининг ишчи-ҳодимлари 30 ўринли янги даволаш биносини қуриб беришди. Ҳозирда янги бинода жиҳозлаш ишлари кетмоқда. Ушбу объектларнинг ҳаммаси мамлакатимизнинг қўлғу 20 йиллик тўйига тўхфа қилинди. Фарғона шаҳрида жойлашган имконияти чекланган шахслар учун ихтисослаштирилган касб-ҳунар коллежида ҳам ўтган давр мобайнида ҳомий маблағи ҳисобига 10 млн. сўмдан ортиқ қурилиш ишлари бажарилиб, ўқув ва ётоқхона хоналари таъмирланди.

“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури асосида амалга оширилаётган ишларнинг барчаси халқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигининг ошишига хизмат қилади.

Файзулла ҚОСИМОВ,
Фарғона вилояти Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Бош бошқармаси бошлиғи

ҚУТЛОВ**20**
ЙИЛ**“ПОПДОНМАҲСУЛОТЛАРИ” АЖ ЖАМОАСИ**

Барча юртдошларимизни энг улуг, энг азиз байрам - Ватанимиз Мустақиллигининг 20 йиллиги билан муборакбод этади!

Юртимиз осмонини турналар парвози, Ўзбекистон боғларини булбуллар навоси ҳеч қачон тарк этмасин!

ЎЗМТДП ХОРАЗМ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

Шу табаррук ва мўътабар заминда яшаётган барча юртдошларимизни

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 20 ЙИЛЛИК
байрами билан муборакбод этади!

Халқимизнинг ислохотлар йўлидаги ишлари янада ривож топаверсин.

